

ТАРИХИЙ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ  
ҮЙҒУНЛАШТИРГАН ҲОЛДА ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ  
ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАДАНИЙ  
МОДЕЛЛАРИ

Сафарова Роҳат Гайбуллаевна,  
педагогика фанлари доктори,  
профессор, Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон  
Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти  
Ўзбекистон, Тошкент

**Аннотация.** Мақолада тарихий ҳамда замонавий тажрибаларни үйғунлаштирган ҳолда ўқитувчининг касбий тафаккурини ривожлантиришнинг маданий моделлари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Бўлажак ўқитувчи, педагогик тафаккур, тарихий мерос, касбий билимлар, ижтимоий маданий моделлар, педагогик нұқтаи назар, касбий фаолият, касбий компетенциялар.

Бугунги кунда бутун дунёда таълим жараёни ва унинг назарий-методологик асосларини тадқиқ этишга йўналтирилган педагогик изланишларнинг кўлами кенгаймоқда. Аксарият педагогик назариялар маданиятшунослик, аксиологик, акмеологик, фаолиятли, компетенциявий ва интегратив ёндашувларни ўзаро үйғунлаштиришни назарда тутган ҳолда амалга оширилмоқда. Чунки мазкур ёндашувлар, биринчи навбатда, инсоннинг қўпмаданиятли жамиятда яшаб фаолият кўрсатиши учун зарур компетенцияларни шакллантириш имкониятини кенгайтиришга хизмат қиласди. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчининг касбий билимларни эгаллаш майдонини кенгайтириш педагогик жараённи ташкил этишда, биринчи навбатда, маданиятшунослик ва акмеолгик ёндашувга таянишни талаб қиласди. Бунинг учун бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билув қўнимларини ривожлантириш, касбий ҳамда таянч компетенцияларни эгаллаш мотивларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, ўқувчилар ҳамда касбдошлари билан амалга ошириладиган диалогик муносабатларига маданий жараён сифатида ёндашишлари учун стимул ҳосил қилишга эътибор қаратиш талаб қилинмоқда. Касбий билимларнинг шахс тараққиётини таъминлаши натижасида бўлажак мутахассислар касбий

маҳорат – акме ҳамда педагогик маданият меъёрларини ўзлаштиришга муваффақ бўладиларки, ушбу билим, кўникма ва компетенцияларда ўзбек халқининг ижтимоий-маданий тажрибаси мужассамлашган бўлади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳорат – акме ва касбий маданият сирларини ўрганишларига таъсир кўрсатадиган омиллар, шарт-шароитлар мавжуд. Булар сирасига

- кўп асрлик маданий педагогик тажрибалар;
- жаҳон миқёсида синовдан ўтган ва амалиётда ўзини оқлаган халқаро педагогик тадқиқотларнинг натижалар;
- инновацион технологиялар ва ёндашувларни кўрсатиш мумкин.

Маданиятшунослик ва акмеологик ёндашувлар доирасида, биринчи навбатда, бўлажак ўқитувчиларда касбий тафаккур ривожлантирилади. Чунки касбий тафаккур педагогнинг барча ҳаракатлари, ғоялари, билимларини ривожлантирувчи, тартибга соловчи ва компетенцияси сифатида намоён қилувчи, маданий педагогик фаолиятга туртки берувчи ходисадир.

Инсоният ўзининг бутун онгли фаолияти давомида ўқитувчининг педагогик тафаккурини ривожлантиришнинг фундаментал асосларини яратишга ҳаракат қилган. Мазкур фундаментал асосларнинг ilk илдизлари эрамиздан олдинги юонон файласуфлари томонидан яратилган бўлса, Авесто[3], Куръони Карим[1], Ҳадислар[2], ва Шарқ педагогик тафаккурининг ифодаси бўлган дурдона асарларда мутафаккир аждодларимиз томонидан муайян даражада ривожлантирилган. Жумладан, Афлотун, таълим-тарбия жараёнида тафаккурнинг аҳамияти ҳақида қўйидаги ҳикматли фикрларни баён қиласди: “Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа”.[7] Бу ўринда ўқитувчининг мантиқий фикрлаш лаёқатига эгалигига алоҳида эътибор қаратилган.

Фаробий эса ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотининг аҳамияти касбий маҳоратнинг таълим жараёнида тутган ўрни ҳақида фикр юритиб

қўйидагиларни баён қилган: “Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади”. [8]

Беруний эса илм даргоҳига кирган талабанинг соғлом тафаккур юритишига қалб поклигига эришишга даъват қилган: “Илм даргоҳига кирав экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб кўядиган ҳолатлардан, чунончи, қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, рақобатдан, очкўзликни қули бўлишдан озод бўлмоғи даркор”. [4]

Зеро, шахснинг касбий камолоти, унинг фикрлаш даражаси, яъни, касбий тафаккурида ўз ифодасини топади. Бугунги кунга келиб жаҳондаги касбий таълим назарияси ва амалиёти ривожланган барча мамлакатларда касбий педагогик тафаккурнинг тараққиётига самарали таъсир кўрсатадиган педагогик жараён сифатида қараб, уни такомиллаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

Педагогик тафаккур ривожланган илғор мамлакатларнинг таълим тизими янги парадигмаларга ўтганлиги билан характераланади. Шу асосда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тафаккури янги маданий-педагогик жараёнда ривожланади, мазкур жараёнда бўлажак ўқитувчининг касбий маҳорат – акмени эгаллаши учун қулай таълимий мухит ва педагогик жараённи ташкил этиш талаб қилинади. Бўлажак ўқитувчининг педагогик тафаккурини ривожлантириш концепциясини яратиш ғоясини амалга ошириш зарурияти кучаймоқда. Шахснинг касбий тараққиёти, яъни, педагогик акмени эгаллаши, унда касбий тафаккурнинг ривожланиши ва педагогик билимлар ёрдамида динамик равишда такомиллашуви билан бевосита боғлиқ.

Касбий педагогик тафаккур педагогик фаолиятнинг сифати ва самарадорлигини белгилайди. Мазкур фаолиятнинг узлуксиз тарзда ривожланиши бир қатор педагогик омилларга боғлиқ. Ушбу омиллар ва педагогик шарт-шароитлари:

- бўлажак ўқитувчи касбий тафаккурининг замонавий билимлар, ёндашувлар ёрдамида ривожлантирилиши;
- бўлажак ўқитувчи билиш ҳаракатлари, усулларидан фойдаланишининг қўллаб-қувватланиши;
- рақамли педагогик воситаларнинг ўқув жараёнига самарали татбиқ этилиши;
- бой маънавий педагогик арсеналидан ўқув жараёнида мақсадли мувофиқ тарзда фойдаланалиши;
- касбий педагогик билимларнинг бўлажак ўқитувчи ижтимоий педагогик сингдирилишига эришилишини таъминлаш мақсадининг маданий характерга эга бўлган амалий-акмеологик характерга эга бўлган педагогик мухитнинг яратилиши кабилар.

Бўлажак ўқитувчининг касбий тафаккури ўзининг ривожланиш даражаларига эгалиги билан ҳарактерланади. Шунинг учун ҳам талабалар ўзларини қизиқтирган касбий билимларини эвристик методлар, рақамли педагогик технологиялар ёрдамида излаб топиш, ўзлаштириш ва касбий компетенциялар шаклида намоён қилишга эришадилар. Касбий қизиқишлиар ва эҳтиёжлар педагогик тафаккур ёрдамида касбий ривожланиш мотивларига айланади. Мазкур мотивлар бўлажак ўқитувчнинг касбий фаолият тажрибасини эгаллаш асосида узлуксиз ривожланишга ундейди. Агар бўлажак ўқитувчида педагогик тафаккур етарлича ривожланмаган бўлса, касбий билимлар унинг ижтимоий тажрибасига айнамасдан қолиб кетади. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик тафаккурнинг шаклланишида хиссий билиш, интуиция, идрок, сезгилар ҳам алоҳида таъсир кучига эга.

Бўлажак ўқитувчилар педагогик ходисаларнинг мазмун-моҳияти, назарий асослари, ривожланиш динамикасини педагогик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда англаб етишлари учун хиссий билиш, интуиция, идрок ва индуктив, дедуктив фикрлаш фаолияти яқиндан кўмаклашади. Бўлажак ўқитувчиларнинг етуклиқ – акмени эгаллашлари учун касбий тасаввурлар

ҳам мухим аҳамият касб этади. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тафаккури касбий билимларни рационал билиш натижасида вужудга келади. Бўлажак ўқитувчининг педагогик тафаккури назарий билимларни рационал ўзлашатриш маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам педагогик тафаккур ҳудди мана шу ўзлаштирилган касбий ахборотлар ва педагогик назарияларга таянади. Бўлажак ўқитувчилар фикрий фаоллик кўрсатишлари натижасида инсоният томонидан яратилган маҳсулдор педагогик таълимотлар, назариялар, методлар ва технологияларни ўзлаштириш, уларни касбий фаолиятлари давомида кўллашга муваффақ бўладилар. Бунинг учун биринчи навбатда, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини тизимли тарзда ривожлантириш механизмларини яратиш талаб қилинмоқда. Мазкур жараёнда маданиятшунослик ва акмеологик ёндашувларга устуворлик бериш алоҳида аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчилар фикрий фаоллик кўрсатиш натижасида таълим жараёнидаги педагогик воқеликни рефлексиялаш ва муносиб баҳолаш лаёқатига эга бўладилар. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш учун уларни ақлий ва ҳиссий билиш усулларидан муайян изчилликда фойдаланишга тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш билиш босқичларида тадрижий тарзда амалга оширилади. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик жараён моҳиятини англаш даражаси уларда педагогик тафаккурнинг қай даражада шаклланганлигига бевосита боғлиқ. Бўлажак ўқитувчилар касбий билимларни ҳиссий қабул қилиш натижасида жонли мушоҳада юритишга муваффақ бўладилар. Ақлий билиш фаолиятининг ривожланиши натижасида эса педагогика туркум фанлари ҳамда педагогик-психологияга оид илмий тушунчалар ва назарий маълумотларни ҳар томонлама пухта ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Умуман олганда бўлажак ўқитувчиларда педагогик тафаккурни тизимли тарзда ривожлантиришда ақлий, ҳиссий ҳамда эмперик билишнинг

имкониятларини уйғунлаштириш назарда тутилиши лозим. Айниқса, назарий билиш, яъни, назарий билимларни ўзлаштириш натижасида бўлажак ўқитувчининг педагогик тафаккурини бойитиш имкониятлари кенгаяди. Натижада бўлажак ўқитувчилар фаразларни илгари суриш абстракциялаш лаёқатига эга бўладилар. Ақлий фаолият операциялари бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимларини чуқурлаштириб педагогик маҳорат – аkmени эгаллашларини жаддаллаштиради. Назарий билимлар билан амалий фаолият тажрибасини уйғунлаштириш натижасида бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияларни самарали шакллантириш имконияти вужудга келади. Натижада бўлажак ўқитувчиларда касбий маданиятга оид муайян кўнималар таркиб топади. Талабалар касбий маълумотларни мантиқий таҳлил қилиб, уларнинг аҳамиятини англашга муваффақ бўладилар.

Бугунги кунда олий педагогик таълим олдида турган муҳим вазифалардан бири инновацион ёндашувлар ва замонавий билимлар, рақамли технологияларни ўз ичига олган ўқув модуллари когнитив блоклар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларда педагогик тафаккурни шакллантиришдан иборат. Чунки педагогик тафаккур бўлажак ўқитувчилар фаолиятида ҳиссий билиш, амалий фаолият кўrsatiш ва назарий фикрлаш бирлигини таъминлашга хизмат қилади. Маълумки, педагогик тафаккур бўлажак ўқитувчининг касбий ривожланишларини турли босқичларида ўзига хос тарзда ривожланиш имкониятига эга. Бунинг учун биринчи навбатда бўлажак ўқитувчилар атрофида маҳсулдор ижодий-интеллектуал муҳит яратишни назарда тутиш алоҳида педагогик аҳамият касб этади. Турли ўқув операцияларни бажариш натижасида бўлажак ўқитувчилар янги педагогик ёндашувларга мурожаат қиладилар. Натижада талабаларда педагогик тафаккур ривожланиши кузатилиб таҳлилий фаолият кўrsatiш, фаразларни илгари суриш мантиқий жиҳатдан асосланган касбий хulosалар чиқариш фаолият алгоритмларини қўллаш педагогик вазиятларни моделлаштириш

кўниумаси жадал ривожланади. Бу эса истиқболда таълим жараёнини педагогик ижодкорлик салоҳиятга эга бўлган ўқитувчилар билан таъминлаш иқтидорли мутахассисларнинг “Олтин фонди”ни яратиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом университети, 2004. -624 б.
2. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий: Саҳихи Бухорий: Алжомеъ ас-саҳиҳ (2 та китоб) – Т.: Ўзбекистон, 2021. – 1728 б.
3. Авесто. Тарихий–адабий ёдгорлик. Н.Жўраев Т.: Faafur Fулом, 2015 – 699 б.
4. Беруний Абу Райҳон. Асарлар / Қадимдан қолган ёдгорликлар. Т. 1. Таржимон А.Расулов. – Т.: «Фан», 1968. – 488 б.
5. Исаев И.Ф. Профессионально-педагогическая культура преподавателя: Учебное пособие для студ. высш. учеб. заведений. – 2-е изд., М.: Издательский центр «Академия», 2004, 208 с.
6. Огородова Т. В. Акмеологические основы деятельности: учеб. пособие. – Ярославль: ЯрГУ, 2010. – 116 с.
7. Олимов Қ. Т. ва бошқ. Мутахассислик фанларини ўқитиши методикаси. Олий ўқув юртлари магистратура талабалари учун ўқув қўлланма. Т. «Фан», 2006. – 150 б.
8. Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. – 224 б.